# Фиқҳ дарслари (203-дарс) Намозда таҳорат кетиб қолса




00:00 / 04.11.2022 2575

??????? ???????? ????????? ????????? ??????????

?????? ?????? ????????????? ?????????????????

????????.

**Намозхоннинг ихтиёрисиз таҳорати кетса, дарҳол таҳорат қилиб, намозини охирига етказади. Гарчи ташаҳҳуддан кейин бўлса ҳам. Янгидан бошлаш афзалдир.**

????????????? ????????????? ??????? ????? ?????

?????????? ????? ??????????? ?????????

?????????? ???????? ???? ??????? ??????????????
???? ?????? ?????????? ???????? ?????? ???????
????????????.

?????? ????? ??????????? ???? ????????
????????? ???? ?????????? ???? ????????? ????
???????? ???????? ???? ????????? ?????? ????????
???? ????? ??????? ???????? ???? ????? ???????
????????? ???????? ???? ??????????? ????
??????? ?????????? ????????? ????? ??????
????????: ???????? ?????????. ?????? ????
????????? ???? ???? ????????? ?????. ????????
???????????? ???? ?????? ??? ???????????

???????? ?????????? ??????? ????????????.
?????? ?????? ????? ???????? ??????????????
???????? ??????????? ???????? ?????? ?????

?????????? ????????????? ?????????? ???????????

??? ???????????.

**Бу ҳолда имом ўринбосар қўяди. Бошқани ўз жойига тортади. Сўнгра таҳорат қилиб, ўша ерда намозини тамомлайди ёки якка намозхонга ўхшаб жойига қайтади.** (Ўрнига қолдириб кетган) **имоми** (намозидан) **фориғ бўлган бўлса,** (ўзи намозини тугатиб олади)**. Бўлмаса, қайтиб кел(иб унга иқтидо қил)ади. Муқтадий ҳам шунга ўхшайди.**

**Агар намозхон жинни бўлиб қолса, ҳушидан кетса, эҳтилом бўлса, қаҳқаҳа билан кулса, қасддан таҳоратини кетказса, унга кўп пешоб етса, боши ёрилиб, қон оқса ёки таҳорати кетганини гумон қилса-ю, кейин таҳорати кетмагани аён бўлса, намози бузилади. Агар** (масжиддан) **чиқмаган ёки ўтмаган бўлса, намозини давом эттиради.**

**Агар имом ташаҳҳуддан кейин намозга тўғри келмайдиган амални қилса, намози тамом бўлади. Лекин кейин келиб қўшилганники бузилади.**

**Ташаҳҳуддан кейин таяммумли киши сувни кўриб қолса ёки шунга ўхшаш нарсалар бўлса, Абу Ҳанифа «Намоздан чиқиш намозхоннинг амали ила бўлиши шарт», деганлари учун у кишининг наздида намоз бузилади. Икковларининг наздида бузилмайди.**

Оз бўлса ҳам, намозда таҳорат кетиб туриши бор. Гоҳида имомнинг таҳорати кетса, гоҳида муқтадийнинг таҳорати кетади. Бундай ҳолатда нима қилиш керак? Юқоридаги матнда бу масала атрофлича муолажа қилинди. Лекин уни яхшилаб шарҳ қилинмагунича аниқ англаб олиш қийин. Келинг, шу муаммони ечишга ҳаракат қилайлик.

**Намозхоннинг ихтиёрисиз таҳорати кетса, дарҳол таҳорат қилиб, намозини охирига етказади.**

Мисол учун, намозхоннинг бурни қонаб кетди. Намоз ичида намозхоннинг ихтиёрисиз таҳорати кетиб қолиши самовий бетаҳоратлик дейилади. Бундай пайтда у дарҳол таҳорат қилади ва намозини келган жойидан давом эттиради. Агар у таҳоратини янгилаб келгунича бирор зикрни айтса ҳам намози бузилади.

***«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди***